

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TRANSPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
AVTOMOBIL YO'LLARI
QO'MITASI



КОМИТЕТ ПО АВТОМОБИЛЬНЫМ
ДОРОГАМ ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ
ТРАНСПОРТА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

“UZAVTOYO'LBELGI”
DAVLAT UNITAR KORXONASI
100000, GSP, Toshkent sh., Mustaqillik shoh ko'chasi, 68.
Tel.: 8-371-268-92-49, e-mail: uzavtoyolbelgi@mail.ru

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ
ПРЕДПРИЯТИЕ
“UZAVTOYO'LBELGI”
100000, ГСП, г.Ташкент, проспект Мустакиллик, 68.
Tel.: 8-371-268-92-49, e-mail: uzavtovolbelgi@mail.ru

2024 yil 29 avgust

Toshkent.sh.

BUYRUQ
№130С-П

**“Uzavtoyolbelgi” davlat unitar korxonasi
ning korruptsiyaga qarshi kurashiш
tўғrisidaги ички идоравий
хужжатларини конунчилик талабларига
мувофиқлаштириш тўғrisida**

“Uzavtoyolbelgi” davlat unitar korxonasi ning korruptsiyaga qarshi kurashiш tўғrisidaги ички идоравий хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга qarshi kurashiш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, davlat unitar korxonalari ва муассасалари, davlat ulushi 50 foizdan yuqori tashkilotlar faoliyatida korruptsiyaviy xavf-xatarlarни аниқлаш ва баҳолаш услубиетини тасдиқлаш тўғrisida” ги (Адлия вазирлигидан 2022 йил 31 августда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3383) қарори талабларига мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Қарор билан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, davlat unitar korxonalari ва муассасалари, davlat ulushi 50 foizdan yuqori tashkilotlar faoliyatida korruptsiyaviy xavf-xatarlarни аниқлаш ва баҳолаш” Услубиети тасдиқланганлиги раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Uzavtoyolbelgi” davlat unitar korxonasi da korruptsiyaviy xavf-xatarlarни баҳолаш услубиети иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Умумий бўлим мазкур буйруқни Корхонанинг барча таркибий тузилмаларига етказсин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини конунчиликда ўрнатилган тартибда назорат қилиш Корхона директори ўринбосари Ш.Асатов зиммасига юклатилсин.

Директор

В.Акрамов

**“Uzavtoyo’lbelgi” davlat unitar korxonasi faoliyatida korruptsiyaviy
xavf-xatarlarni aniqlash va baholash
USLUBIËTI**

Мазкур Услубиёт (кейинги ўринларда – Корхона деб юритилади) фаолиятида коррумпциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Корхона фаолиятидаги коррумпциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Корхонанинг коррумпциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррумпциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррумпциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррумпциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутати:

коррумпциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррумпцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррумпциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

коррумпцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррумпциявий хавф-хатар — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррумпциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррумпциявий хавф-хатарлар харитаси — Корхона фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррумпциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррумпциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррумпциявий хавф-хатар даражаси, коррумпциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

коррумпцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррумпция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррумпциявий хавф-хатарларни баҳолаш — Корхонанинг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррумпциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

қолдиқ хавф-хатар — аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

махсус бўлинма — Корхонадаги коррупцияга қарши ички назорат бўлими;

ишчи гуруҳ — коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган ҳолатда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

4. Корхона томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили **1 мартга** қадар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.

2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Корхона тизимига кирувчи барча бўлинмаларни қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш махсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

7. Ишчи гуруҳ аъзолари Корхонанинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Корхонанинг директори томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда Корхона марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳ) томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Корхонанинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

9. Корхонанинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмаларидаги махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

10. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг **1-иловасига** мувофиқ шаклда тузилади.

11. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

12. Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

Корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси;
ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Корхона фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

13. Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

Корхона фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги муурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан Корхона фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

14. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) Корхонанинг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

Корхонанинг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

Корхона томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қилмаслик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

15. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда баҳоланади:

паст

ўрта;

юқори.

16. Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг **2-иловаси**даги мезонлар асосида амалга оширилади.

4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари

17. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва Корхона фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

Корхона фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

Корхона ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Корхона томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

Корхона томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Корхона коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 16-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг **2-иловаси**даги мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Корхона марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан мазкур Услубиётнинг **3-иловаси**га мувофиқ шаклда марказий аппаратнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

20. Корхонанинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ушбу Услубиётнинг **3-иловаси**га мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг **4-иловаси**га мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Бунда, мазкур лойиҳалар Корхона марказий махсус бўлинмасига (ишчи гуруҳига) умумлаштириш учун тақдим қилинади.

21. Корхона махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида Корхонанинг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва «**E-anticor.uz**» электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар киритилади.

22. Корхона марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қуйидаги ҳужжатлар шакллантирилади:

Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

Корхонанинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

23. Агентлик томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

24. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси Агентлик томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга «Eanticor.uz» веб-сайтига жойлаштирилади.

25. Агентлик жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни муҳокама яқунланган кундан бошлаб ўн кун ичида «E-anticor.uz» электрон платформаси орқали Корхонага юборади.

26. Корхона марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларини такомиллаштиради.

27. Корхонанинг биринчи раҳбари ҳар йили 1 мартга қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини «E-anticor.uz» электрон платформаси орқали тасдиқлайди.

6-боб. Яқуний қондалар

28. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Uzavtoyo’lbelgi” davlat unitar
korxonasi faoliyatida korruptsiyaviy
xavf-xatarlarni aniqlash va baholash
Uslubiyetiga 1-ilova

Корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг)

ТАВСИФИ

Т/р	Функция номланиши	Функция доирасида бажариладиган жараён	Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (унинг Ф.И.О. ҳамда лавозими)
1. Корхонанинг номи			
1.1. Корхонанинг таркибий бўлинмаси			
1.1.1.			

“Uzavtoyo’lbelgi” davlat unitar
korxonasi faoliyatida korruptsiyaviy
xavf-xatarlarni aniqlash va baholash
Uslubiёtiga 2-ilova

Коррупциявий хавф-хатар даражасига бахо бериш бўйича

МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юқори*	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солилмаган
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функция) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши
	Корxonанинг фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
Ўрта*	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	Корxonанинг фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши
	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
Паст**	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	Корxonанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри

алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
Корхонанинг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши
коррупциявий хатти-ҳаракат ва коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас

*Махсус бўлинма (ишчи гуруҳ) томонидан Корхонанинг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаш Корхона раҳбари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

**Корхонанинг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

“Uzavtoyo’lbelgi” davlat unitar
korxonasi faoliyatida korruptsiyaviy
xavf-xatarlarni aniqlash va baholash
Uslubiёtiga 4-ilova

Корхонанинг коррупцияга қарши курашиш

ДАСТУРИ

Т/р	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар